



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 24 - noyabr

164-6-0-F/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасига асосан, вилояти ҳокимлиги Ишлар бошқарувчисининг 2021 йил 3 ноябрдаги 10/4721-сонли мурожаат хатини инобатга олиб,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил Наманган вилоятига сайлов олди ташрифини юқори савияда ташкил этиш ҳамда Республикадан келган меҳмонларга зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида меҳмонларга хизмат кўрсатган автотранспорт воситалари учун сарфланган ёқилғи маҳсулотларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил захира жамғармаси ҳисобидан вилоят ҳокимлигига 66 818,0 (олтмиш олти миллион саккиз юз ўн саккиз) минг сўм маблағ ажратилсин.

2. Наманган вилояти ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси (Ж.Каюмов)га:

ажратилган маблағларни молиялаштириш манбасини очиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириб, вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси ва вилоят бўйича ғазначилик бошқармасига тақдим этиш;

маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

маблағлардан фойдаланиш якуни билан тегишли ҳисоботларни вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов)га ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда бюджет харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси (Ф.Солохитдинов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov